Давлат архиви палатаси
18 ОКТ 1984

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 237 (5528).
17 ОКТЯБРЬ 1984 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштиришда актив қатнашингиз!

Зарбдор, ватанпарварлик меҳнати билан Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлангиз!

(КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан).



БРИГАДА ЕТАКЧИСИ

Асад Раҳматов «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида мана бир неча йиллардан бери слесарлар бригадасига етакчилик қилади. «Машинасозларнинг бутун коллективи қатори унинг бригадаси ҳам шу кунларда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини, Улуғ Октябрнинг 67 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга ҳаракат қилаяпти. Кундалик меҳнат маромидан ана шундан далолат беради. Қишлоқ хўжалиги машиналари — селялкалар, кўрак чувиш машиналарини топширувчи слесарлар смена топшириқларини муntазам 15—20 процент ортиғи билан адо этишяпти.

Иш вақтидан унумли фойдаланиш, яхши ташкил этилган меҳнат беллашуви, унинг ошкоралиги марраларни эгаллашда ёрдам бермоқда.

* * *

СУРАТДА: слесарлар бригадири А. Раҳматов.

М. Нуриддинов фотоси.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИГА — ЗАРБДОР СУРЪАТ

● БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

БУГУН

МЕҲНАТ БЕЛЛАШУВИ АВЖИДА

...шкент экскаватор ...води коллективи ...илей йилининг 150- ...скаваторини тайёр- ...шга киришди. Ана «темир паҳлавон- ...юксак сифатлили- ...ги билан эски маркадаги экскаваторлардан тубдан ажралиб туради. Завод фидокорлари ўтган тўққиз ой мобайнида товар маҳсулот ишлаб чиқариш планнини 300 минг сўмликдан зиёд қилиб бажаришга эришдилар.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги ҳамда совет халқи немис-фашист босқинчилари устидан қозонган буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига ташкил қилинган социалистик мусобақада корхонанинг К. Шодиев, С. Ким бошлиқ бригадалари, Р. Ҳамроқулов, А. Плешивцев сингари ўнлаб жонкуярлари пешқадамлик қилишмоқда. Бу илғорлар бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш, шунингдек, меҳнат унумдорлигини планга қўшимча ошириш учун курашяпти.

Ҳозирги кунда корхона экскаваторлари бутун Иттифоқимиз бўйлаб, шунингдек, жаҳоннинг 30 дан ортиқ мамлакатига жўнатилаяпти.

ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИГА — КЕНГ ЙЎЛ

200 МИНГ СЎМЛИК МАҲСУЛОТ

БУГУН

Шу кунларда фабрикада «Бир куни», «Сароб», «Афсона», «Ялла» сингари атирлар кўплаб миқдорда тайёрланмоқда. Завод коллективи, шунингдек «Тоҳир ва Зуҳра» номли атторлик комплектини ҳам юксак сифат билан тайёрлаяпти. Шонли йилда ана шу комплектдан 145 минг сўмлиги савдо тармоқларига етказиб берилиши мўлжалланган.

пойтахтимиздаги упаэлик фабрикасида йил бошидан бери тайёрланиб, савдо тармоқларига жўнатилган хушбўй «Ноктюрн» атири 200 минг сўмликдан ошиб кетди. Корхона коллективи ана шу турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш планини белгиланган муддатдан бир ой олдин бажаришга муваффақ бўлди.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

Пленум қарорлари асосида

«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида корхонада давлат, план ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш юзасидан қилинган ишлар ва пленум қарорларидан келиб чиқадиган коллектив олдидаги вазифалар муҳокама этилди. Цех партия ташкилотларининг план, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган ишлари таҳлил этилди. Камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Цех партия ташкилотлари ва партия группаларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов партия йиғилишлари мобайнида коммунистлар 20 дан зиёд қимматли таклифлар киритишдики, уларни амалга ошириш бутун корхона фаолиятини яхшилашга шак-шубҳасиз ёрдам беради. Ленин район партия комитети бюроси бошқа кўпгина корхоналар қаторида «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси цех партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ишчанлик, талабчанлик руҳида ўтганлигини таъкидлади. Бу корхонада цех партия ташкилотлари секретарларининг 30 процентдан зиёдроғи янги сайланди. Ҳозир бутун эътибор пленум қарорларини изчил амалга ошириш учун цех партия ташкилотларининг ташаббускорлиги ва жанговарлигини оширишга қаратилган.

БИЗ ҲАММАМИЗ — ПАХТАКОРМИЗ



ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР
№ 14

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

ГАЗЕТАЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА «ГЛАВТАШПАССАВТОТРАНС» БОШҚАРМАСИНИНГ ОТАЛИҚДАГИ ОБАСТЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДАГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ.

Махсус мухбирларимиз А. Хатамов, Ф. Каримов, М. Юнусовлар хабар қиладилар.



Суръатни бўшаштирмай

Бекобод районидаги «Ленинград» совхозида Ҳамза район ташкилотларидан келган ҳашарчилар пахта йиғим-теримида қатнашишмоқда. 1600 га яқин тошкентлик юбилей йили ҳосилини тез ва соз йиғиштириб олишда фаоллик кўрсатяпти.

— Пахта йиғим-теримни бошланиш биланоқ биз социалистик мусобақага алоҳида эътибор бердик, дейди дала штабининг бошлиғи, 1-уйсозлик комбинати касаба союз комитетининг раиси С. В. Пичурин,— ўзаро меҳнат ҳамкорлиги ҳашарчиларнинг янада самарали меҳнат қилишини таъминлаяпти. Фақатгина ўтган беш кунликда ҳашарчилар кучи билан 100 тонна «оқ олтин» терib олинди.

Кун сайин пахта йиғим-теримни қизғин тус олмоқда. Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари шонли республикамизнинг юбилейига муносиб совға қозғралаш учун кун сайин йиғим-терим ишларини кучайтиришаётир. Шу кунларда Бекобод районида Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг 800 га яқин ишчи-хизматчилари, «Ташсельмаш» заводининг 400 га яқин ҳашарчиси, шунингдек, 1- ва 2-уйсозлик комбинатлари, Ўзбекистон халқлари тарихи музейи ва бошқа ташкилотлардан келган ҳашарчилар бугунги долзарб кунларнинг қадрига етган ҳолда фидокорона меҳнат қилишмоқда.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга аҳд қилишмоқда.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга аҳд қилган тошкентликлар пахта йиғим-теримида ҳам актив қатнашиб, меҳнат зафарларини кўпайтиришяпти.

* * *

СУРАТЛАРДА: Ҳамза район меҳнаткашлари пахта йиғим-теримида.







КАТТА ХИРМОН УЧУН

«Ўроқ ва Болға» иттифоқига содиқ бўлган шаҳримиз корхоналарининг коллективлари республикамиз пахтакорлари учун долзарб бўлган шу кунларда мўл-кўл пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда қишлоқдаги дўстларига яқиндан мададкор бўлишмоқда. Жумладан, шаҳримиздаги 103-автомобиль корхонасида пахта терими мавсумида махсус бригада ташкил этиб, пахтакорлар оғирини енгил қилиш кўп йиллик анъанага айланиб қолган. Бу йил ҳам шундай бўлди. Шаҳар корхоналари коллективларининг мурожаатига «лаббай» деб жавоб берган автобаза ҳайдовчилари, слесарлари ва техниклари иборат бўлган 12 кишилик бригада айни кунларда пойтахт область Оққўрғон райониндаги «Коммунизм» колхози далаларида юксак суръат билан пахта теряпти. Бригада аъзоларининг ҳар бири кунига хирмонга 50-60 килограммдан «оқ олтин» тошширмоқда. Вечеслав Вашченко, Адҳам Алимов, Александр Шадов сингари слесарлар эса кунига хирмонга 90-100 килограммдан пахта тўкиб дўстларига намуна бўлишяпти. Ушбу бригада мавсум охирigача 10 тонна пахта теришга аҳд қилган.

Корхона қишлоқ механизаторларига яхши техник ёрдам кўрсатиб келяпти. Жумладан, автобазанинг битта кўчма устахонаси айни пайтда Мирзачўл районидаги «Тошкент» совхози механизаторлари билан бирга йиғим-терим техникасини жорий ремонт қилишда иштирок этмоқда. Корхона комсомолларидан тузилган тўрт кишилик механизаторлар бригадаси эса «зангори кема»ларда пахта теряпти. Бу фидокорларнинг мақсади республикамизнинг юбилей йили «оқ олтин» хирмонига муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

ТАЖРИБА ХЎЖАЛИГИДА

Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг уч минг студенти олий ўқув юртининг Қироп номли ўқув-тажриба хўжалигида пахта йиғим-теримида қатнашмоқда. Далада мўл ҳосил етиштирилган.

Институт ёшлари республика ва Ўзбекистон Компартияси юбилейи шарафига аввал планда кўзда тутилган 6,5 минг тонна ўрнига 8 минг тонна «оқ олтин»ни териб бериш иштиёқидалар.

Қишлоқ хўжалик машиналари, энергетика ва меҳнат муҳофазаси кафедраларининг мутахассислари пахтакорларга йиғиб-териб олинган ҳосилни сақлаш ва техникани ремонт қилишда ҳам яхши ёрдам беришяпти. 60 дан ортиқ студент «зангори кема»ларнинг механик ҳайдовчиларига ёрдамчи бўлиб ишламоқда.

Олий ўқув юртининг йигит ва қизлари «оқ олтин» терими мавсуми ғоятда масъулиятли эканлигини тўла ҳис қилган ҳолда ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиб, оширилган мажбуриятни шараф билан бажаришга ҳаракат қилишмоқда.

«ОҚ ОЛТИН»—ВАТАНГА

Республика областларида пахта йиғирлашнинг бориши тўғрисида шу йил 16 октябргача бўлган маълумот.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Фарғона	1,57	79,01
Тошкент	2,08	75,69
Наманган	2,03	71,65
Андижон	1,55	71,09
Сурхондарё	1,73	65,38
Хоразм	2,15	60,98
Сирдарё	3,40	55,48
Самарқанд	1,56	51,27
Бухоро	0,95	49,85
ҚҚАССР	2,09	46,87
Жиззах	2,05	44,64
Навоий	1,35	44,14
Қашқадарё	1,12	33,79
Республика бўйича	1,79	58,53

Мусобақа таъсирчанлиги учун

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига зиммага олинган социалистик мажбуриятларнинг қандай бажарилаётгани ва уни муваффақиятли адо этиш учун коммунистларнинг социалистик мусобақада авангардлик ролини кучайтириш масаласи кўриб чиқилди. Бу ҳақда «Средазэлектроаппарат» бирлашмаси партия комитетининг секретари А. Стражков ахборот берди. Партком йиғилишида юбилей йилининг тўққиз ойлик иш якунлари ва шартнома мажбуриятлари бўйича маҳсулотлар етказиб беришнинг бориши тўғрисидаги масала ҳар томонлама муҳокама этилди. Ҳар қачонгидек коммунистларнинг ўзаро мусобақада етакчилик қилишаётгани кўпгина цехларнинг ютуқларга эришаётганининг гарови бўлмоқда. 5-релье-йиғув цехи, 20-шчит йиғув-цехи ва 34-релье ҳамда автоматика заводи цех партия ташкилотлари мусобақа таъсирчанлигини оширишда коммунистлар ташаббускорлигини оширимоқдалар. Бу цехларнинг партия ташкилоти секретарлари В. Фельдман, О. Ўтаев, А. Тарасовлар барча ташкилий-сиёсий ва оммавий-тарбиявий ишларни юбилей йили плантопшириқлари ва зиммага олинган мажбуриятлари муваффақиятли бажаришга коллективни сафарбар этишга қаратмоқдалар. Шунингдек, бир қатор цехларнинг ишларини янада жонлантиришга қаратилган конкрет тадбирлар белгиланди.

ҲАБИБИЙ НОМЛИ МАҲАЛЛА

Ўзбек совет адабиётининг йирик истеъдодли вакилларидан бири, газалхон шоир Ҳабибий ўзининг тўқсон йилдан ортиқ умрининг етмиш йилини ижодга бағишлади.

Шоир Тошкентнинг Камолон маҳалласида узоқ йиллар яшади, ижод қилди ва жуда кўп дўстлар орттирди. Яқинда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ва Октябрь район ижроия комитети Камолон маҳалласи меҳнаткашларининг талаб ва истакларини инобатга олиб шу маҳаллага Ҳабибий номини беришга қарор қилди. Маҳалла аҳли бу ерда келгусида шоирнинг уй-музейини ташкил этишни мўжалламоқда. Музейда хотира тахтаси ўрнатилади.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ

БИЛДИРИШИ

Ўн саккизинчи чақириқ халқ депутатлари шаҳар Советининг ўн иккинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети **қарор қилади:**

Ўн саккизинчи чақириқ халқ депутатлари шаҳар Советининг XII сессияси 1984 йил 25 октябрь куни қуйидаги кун тартиби билан чақирилсин:

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ҳисоботи юзасидан 1984 йил 11 сентябрда қабул қилинган Қарори талаблари асосида уй-жой фонди, иссиқлик манбалари ва иссиқлик тармоқларининг қиш шароитида ишлашга тайёрлиги тўғрисида шаҳар уй-жой бошқармаси, «Ташteплокоммунэнерго», «Ташteплосеть» ва «Ташгаз» ишлаб чиқариш бирлашмалари раҳбарларининг ҳисоботлари.

Докладчилар — У. А. Ризаев, Л. Г. Костин, Н. Убайдуллаев, Е. Б. Кейнов.

ШАХМАТ

МОСКВА. А. Карпов — Г. Каспаров матчида бугун 14-партия ўйналади. Ҳозирча жаҳон чемпиони 4:0 ҳисобида пешқадамлик қилаяпти.

* * *

ВОЛГОГРАД. М. Чибурданидзе — И. Левитина матчининг кеча ўйналган 12-партиясн 40-юришда кечиктирилди. Чибурданидзенинг икки пиёдаси ортиқ. У матчда 6:5 ҳисобида пешқадамлик қилаяпти.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Ўзбекистон Композиторлар союзи Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 60 йиллигига бағишлаб «Баҳор» концерт залида ўзбек бастакорларининг янги асарларини тинглаш маросимини ўтказади. Композиторлардан Тўлқин Қурбонов, Фарҳод Алимов, Ҳабибулла Раҳимов, Қудрат Ҳикматовларнинг программадан ўрин олган халқ чолғу асбоблари оркестри учун ёзган асарларида республикамизнинг босиб ўтган катта тараққиёт йўли мадҳ этилади.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 21 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 9—11° эртага кундузи 25—27 даража иссиқ бўлади.

35 СОВЕТ ИТТИФОҚИДА ГДР МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

ДЎСТЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН

Германия Демократик Республикаси делегацияси аъзоларининг 16 октябрь куни Ўзбекистоннинг ижодий союзларида бўлиб ўтган суҳбатларида маданият арбобларининг халқ олдидаги юксак бурчи тўғрисидаги, уларнинг тинчлик, дўстлик ва инсонпарварлик юксак идеалларини қарор топтиришга интилаётганликлари тўғрисидаги фикрлар асосий ўринни эгаллади. Суҳбатлар немислар диёрида биринчи ишчи ва деҳқонлар давлати ташкил этилганлигининг 35 йиллигига бағишланиб Совет Иттифоқида ўтказилаётган ГДР маданияти кунлари программасига мувофиқ уюштирилди. ГДРдан келган адиблар, рассомлар, журналистлар ижодий режаларини ўртоқлашдилар. Улар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўраётган ўзбекистонлик ҳамкасбларининг фаолияти билан қизиқиб танишдилар.

ГДРлик меҳмонлар Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида, СССР Халқлари дўстлиги музейида бўлдилар, Тошкентнинг диққатга сазовор бошқа жойларини кўздан кечирдилар.

(ЎзТАГ).

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● 16 октябрь куни Кремль КПСС Марказий Комитети ш секретари, СССР Олий ети Президиумининг Рай- К. У. Черненко билан аб Социалистик Уйғониш тиясининг Бош секретари, ия Араб Республикаси зиденти Ҳафиз Асад ўр- да музокаралар бўлиб ўт- ди.

Ҳамжиҳатлик, дўстлик ва сидқидиллик вазиятида ўтган музокаралар чоғида К. У. Черненко ва Ҳ. Асад Совет Иттифоқи билан Сурия, КПСС билан АСУП ўртасидаги кўп ёқлама муносабатлар дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномаларнинг мустаҳкам негизида муваффақиятли ривожланаётганлигини, бу муносабатлар юксак даражага эришиб тобора мустаҳкамланаётганлигини мамнуният билан қайд этиб ўтдилар.

● 15 октябрь куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ЛХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ЛХДР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Лаос Халқ Демократик Республикасининг ташқи ишлар министри Пхун Сипасет билан учрашди. Бўлиб ўтган дўстона суҳбат вақтида ҳозирги халқаро вазиятнинг баъзи проблемалари, шунингдек Совет-Лаос муносабатларига доир масалалар муҳокама қилинди.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ:
ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР КИФОЯ ЭМАС

Бинокорлик материаллари комбинатининг маҳсулотларини фақат Тошкентгина эмас, балки бутун республика аҳолиси яхши билади. Пардозлаш плиталари ошхона ва ваннахоналарни, турли лабораторияларни безашда қўл келмоқда. Республика пойтахтининг кўплаб турар жой массивларидаги уйларнинг олд кўринишини ана шундай пардозлаш плиталари безаб турибди.

Корхона планларни мунтазам бажармоқда. У бир неча марта бинокорлик саноати материаллари республика ва Иттифоқ министрликларининг кўчма Қизил Байроқлари билан тақдирланган. Коллектив Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини яхши кўрсаткичлар билан кутиб олмоқда. Маҳсулот реализация қилиш тўққиз ойлик плани 101,9 процент, товар маҳсулоти ишлаб чиқариш плани 102 процент адо этилди. Меҳнат унумдорлиги планга қўшимча суратда 3,8 процент ошди. Маҳсулот таннархи эса 3,6 процент камайди. Бундай яхши ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришишда партия бюроси, бутун партия ташкилотининг актив фаолияти сезилиб турди.

Партия бюросининг секретари Л. Евсеева қилган ҳисобот докладида таъкидлаб ўтилганидек, партия йиғилишлари мунтазам равишда ўтказилди. Қабул қилинган қарорлар ой сайин бажарилиб борди.

Коммунистлар ўз йиғилишларида қандай масалаларни кўтардилар?

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко апрель (1984 йил) Пленумида беш йилликнинг тўртинчи йили вазифаларини белгилаб шундай деган эди: «Биз ҳаммамиз, ҳар биримиз қандай бўлмасин бўшашувчиликни тақиқлаб қўйсак тўғри бўлади... Келинглар, шунга келишиб олайлик: бу йил йўл қўйилган ҳар қандай ишкаллик учун, ҳар қандай нуқсонлар учун талабчанлик ҳар қачонгидан кўра қатъийроқ бўлиши лозим. Бизнинг партиявий позициямиз бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас». Афсуски, комбинат партия ташкилоти ишида коллектив ишининг барча соҳалари учун, унинг келажаги учун қайғуриш сезилмади. Холбуки, бу ерда ҳал этишни кечиктириб бўлмайдиган масалалар кўп. Гап энг аввало бутун корхона меҳнат коллективининг хўжалик ва ижтимоий фаолиятини активлаштириш ҳақида бормоқда.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида таъкидланганидек, ҳисобот даврида доимий ишловчи ишлаб чиқариш кенгаши, ўртоқлик суди деярли ишламади. Касаба союз комитети ўз ишини бўшаштириб юборди. Партия бюроси бу иш билан шуғулланмади. Унинг мажлисларида бу жамоат ташкилотларининг иши тўғрисидаги ҳисоботлар тингланмади. Уларга амалий ёрдам кўрсатмади.

Коллектив ўртасида социалистик мусобақа юзаки ташкил этилган. Цех ва бригадалар ўртасидаги мусобақа якунлари бир ойда бир марта кўриб чиқиляпти. Гоҳида бунга ҳам риоя қилинмаяпти. Бирлашмада кўргазмали агитация ёмон аҳволда. Агар мусобақада ошкоралик бўлмаса ва унинг қандай бориши назорат қилиб турилмаса у таъсирчан бўлмайди.

— Ҳар бир участкада ҳар бир смена якуни ойдин бўлиши, ким олдинда, ким орқада — маълум қилиб турилиши керак, —деди коммунист, корхона директори А. Жукова.— Бунга эришиш партия бюроси раҳбарлиги остида иш олиб бораётган касаба союз комитетининг бурчидир.

Касаба союз комитети корхона ходимларининг меҳнат ва маиший турмуш шароити тўғрисида ғамхўрлик қилишни бўшаштириб юборди. Коммунист А. Тўрахонов ҳисобот-сайлов партия йиғилишида ана шу масалани кўтарди. Маиший хизмат кўрсатиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

На касаба союз комитети, на партия бюроси бу борада яқинда ишга тушадиган янги уч қаватли маиший хизмат кўрсатиш корпусини баҳона қилмаслиги керак. Тўғри унда кийиниш хоналари, душхона ва бошқалар бўлади. Аммо кишилар тўғрисида ҳар куни ғамхўрлик қилмоқ керак.

Биноларнинг олд томонига ишлатиладиган плиталар сифати кўпгина эътирозларга сабаб бўляпти, деди А. Жукова.

Қурувчиларга баъзан паст навли маҳсулотларни ҳам жўнатиб юбориш ҳоллари учраяпти. Комбинатда дастгоҳларнинг тез-тез бузилиб туриш ҳоллари рўй беряпти. Бу ишчи ва мастерларнинг малакасини оширишни тақозо этади. Механикларнинг иши устидан назоратни кучайтириш керак.

Партия бюроси эътиборидан ана шу масалалар четда қолган. Партия бюроси асосий иш соҳаларида кадрларни жой-жойига қўйишга ҳам етарлича эътибор бермади. Масалан, касаба союз комитетининг собиқ раиси Л. Омельченко ҳам ва яқинда сайланган В. Ланкевич ҳам партиясиздир. Комсомолда ҳам коммунистлар иш олиб бормаяпти.

— Узоқ вақтларгача партия ташкилотимиз сафи кенгаймади, —деди партия бюросининг секретари Л. Евсеева.— Учётда турган 44 коммунистдан 15 нафари ҳозир ишламайди. 10 нафари эса ишни давом эттираётган пенсионерлардир. Ҳисобот даврида тўрт киши КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинди.

Айни вақтда эса барча коммунистлар ҳам доимий партиявий топшириққа эга эмаслар. Партия бюроси ҳар бир коммунистнинг меҳнат намунасини кўрсатишига эриша олмади.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан кейин партия бюроси ўз иш услубини ўзгартирди, —деди докладчи. — Айниқса ишчиларни, раҳбарларни топширилган иш учун шахсий масъулият ҳисси руҳида тарбиялашга катта эътибор бера бошлади. Бу ишни энг аввало коммунистлардан бошладик. Коммунист И. Лялин меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бузганлиги учун партия бюроси мажлисида муҳокама этилди.

Коллектив ўртасида партиявий топшириқларни бажаришга масъулият ҳисси билан ёндошаётган коммунистлар ҳам оз эмас. Масалан, халқ контроли группасига бошчилик қилаётган коммунист В. Молотников шулар жумласидандир.

Коммунистлар ҳисобот-сайлов партия йиғилишига тайёргарлик кўриш чоғида ўз ишларини холисона таҳлил этдилар. Партия йиғилиши қарорида эса меҳнат коллективининг ролини ошириш, касаба союз ва комсомол комитетига амалий ёрдам бериш, коммунистларнинг партиявий топшириқлар, Устав бурчларини бажаришлари устидан назоратни кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Коммунистлар эришилган ютуқлар билан кифояланмасли к л ари, балки келгусини ўйлашлари, фойдаланилмаган резервларни қидириб топишлари, барча янги, илғор нарсаларни жорий этиш учун курашишлари керак.

Н. КОРЧАГИНА.

ЖАҲОН ОЙНАСИ



Польша Халқ Республикасининг пойтахти — Варшава шаҳри мамлакатнинг энг йирик иқтисодий ва маданий марказларидан ҳисобланади. Иккинчи жаҳон урушн туфайли ҳаробага айланган шаҳар, тикланиш йиллари қайтадан қад кўтарди. Поляк халқининг самарали меҳнати туфайли шаҳарда кўплаб турар жой бинолари, маданий-маиший объектлар қурилди. Шаҳар кўп сайин гўзаллашиб, чирой очиб бормоқда.

СУРАТДА: Варшаванинг бугунги қиёфаси.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

* * *

Қурол-яроғ ишлаб чиқарадиган Америкадаги фирмалардан бири яратган робот «Праулер» деб аталади. Бу оддий саноат роботларидан бири бўлиб, у одам ўлдиришга мўлжалланган. Америка Қўшма Штатларида яратилган қотил-роботларнинг тўнғичи икки пулемёт ва граната иргитгич билан қуролланган.

Суратда: «Праулер» охирги синовдан ўтмоқда.

КАМЕРА ПРЕСС—ТАСС фотоси.

ЮКСАК БАҲО

АДАН. Яман Социалистик Партияси Марказий Комитети Бош секретари, ЯХДР Олий Халқ Кенгаши Президиумининг Раиси, Бош министр А. Н. Муҳаммад ўзининг яқинда Совет Иттифоқига қилган визити натижаларига юқори баҳо берди. Жанубий Яман раҳбари юртига қайтиб келганидан кейин матбуот учун берган баёнотида визит демократик Яманнинг СССР бошчилигидаги социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан муносабатларни ривожлантириш йўлига тўла-тўкис мос бўлиб тушганини уқтирди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко билан бўлган учрашув айниқса муҳим аҳамиятга эгадир, деб таъкидлади А. Н. Муҳаммад. Бу учрашув миллий демократик революция вазифаларини амалга оширш йўлидаги курашда партиямиз билан халқимиз учун куч-қувват манбаи бўлган Жанубий Яман-Совет муносабатларини янада ривожлантиришга янги омил бахш этди.

Совет Иттифоқи Яман Халқ Демократик Республикасига бундан бүён ҳам ёрдам бераверишга аҳд қилганлигини тасдиқлади, деб уқтирди мамнуният билан А. Н. Муҳаммад.

Жаҳон шаҳарлари ва пойтахтларида

УЛАН-БАТОР. Бу ерда Совет қурувчиларининг анъанавий ҳафталиги бошланди. Бу ҳафталик республикада ўтаётган Монгол-Совет дўстлиги ойлиги доирасида уюштирилди.

Монголияда капитал қурилишнинг муваффақиятли ривожланиши СССРнинг ҳар томонлама ёрдами билан чамбарчас боғлангандир. Кейинги 20 йил мобайнидагина замонавий серунум машина-ускуналар билан таъминланган қарийб 150 та йирик индустриал комплекс монгол-совет иқтисодий ҳамкорлигининг объектлари бўлиб қолди. «Эрдэнэт» кон бойитиш мис-молибден комбинати, Улан-Батордаги ёғочсозлик комбинати ва кўпгина бошқа корхоналар шундай объектлар жумласидандир. Республика ялпи саноат маҳсулотининг деярли ярми шу корхоналар улушига тўғри келади.

* * *

РИМ. Шу йилнинг дастлабки саккиз ойи мобайнида Италия савдо балансининг камомати ундан бир бараварда зиёд кўпайди, деб хабар қилади марказий статистика институти. Шу давр ичида бу камомат 11.000 миллиард лирадан ошиб кетди. Бу эса Италиянинг бутун ўтган йил давомида бошқа мамлакатлар билан савдо сотиғидаги пассив қолдиққа деярли баравардир.

* * *

ДАМАШҚ. Сурия пойтахтида Қизил Крест ва Қизил Ярим Ой иттифоқлари ва жамиятларининг регионал конференцияси очилди. Унда Ўрта Денгиз хавзаси мамлакатларининг делегациялари, халқаро Қизил Крест ва бошқа ташкилотлар вакиллари қатнашмоқдалар. Конференция «Қизил Крест ва Қизил Ярим Ой жамиятлари тинчлик учун курашмоқда» деган шиор остида ўтмоқда. Конференция иштирокчилари миллий жамиятлар ва иттифоқларнинг кенг ҳамкорлигини ташкил этиш, Ўрта Денгиз давлатлари ўртасида ишончни мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қиладилар.

* * *

САР Бош министри А. Р. Қосим конференцияни очиш вақтида нутқ сўзлаб, фаластинлик араб халқига қарши қаратилган ва халқаро ҳуқуқнинг барча нормаларига мутлақо зид бўлган Исроилнинг геноцид сиёсати ғоят хатарли эканлигини таъкидлади. Тель-Авив раҳбарлари, деб таъкидлади у, АҚШнинг бевосита мадади билан арабларга қарши жиноятлар қилмоқда. АҚШ Исроил агрессорларига ҳар томонлама ёрдам ва мадад бермоқда.

* * *

ТОКИО. Жанубий Корея иқтисодий планлаштириш министри Син Бен Хен парламентда нутқ сўзлаб, мамлакатнинг Америка, Япония ва Ғарбдаги бошқа мамлакатларнинг банкларига ташқи қарзи шу йилнинг август ойи охирида 42 миллиард долларни ташкил этганлигини маълум қилди. Жанубий Кореянинг ташқи қарзи йил бошидан бүён 1,6 миллиард долларга кўпайган. Жанубий Корея ташқи қарзларининг бундай тез кўпайишига Чон Ду

ЮКСАК ТАЛАБЧАНЛИК БИЛАН ЁНДОШИБ

«Билим» жамияти бошланғич ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларн бошланди. Тошкент шаҳар «Билим» жамияти ташкилоти фаолиятида 20 мингдан зиёд киши иштирок этмоқда. Бошланғич ташкилотларнинг лекторлари ва лекция уюштирувчилар партия комитетлари раҳбарлигида ўтган икки йиллик фаолияти якунларини кўриб чиқадилар, лекция пропагандасининг сифати ва самарадорлигини янада ошириш йўлларини белгилайдилар, шаҳар меҳнат коллективлари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ва халқ хўжалик планларини бажаришга коллектив куч-ғайратини сафарбар этадилар.

Маълумки, «Билим» жамиятининг саноат, қурилиш, транспорт корхоналаридаги бошланғич ташкилотларининг актив фаолияти фан ва техника ютуқларини, илғор иш усулларини ишлаб чиқаришга жорий этишни жадаллаштиришга, партиямиз белгилаб берган халқ хўжалик планларини бажаришга ёрдам бермоқда. В. И. Ленин номидаги электрон-техника, «Миконд», «Ташсельмаш», лак-бўёқ, электр-механика заводлари бошланғич ташкилотларининг иши ҳақида ҳар қанча илиқ сўзлар айтсак арзийди. Бу ташкилотлар корхоналар олдида турган конкрет вазифалардан келиб чиқиб, лекциялар тематикаси йўналишини муттасил такомиллаштириб бормоқдалар, лекция пропагандасига заводнинг раҳбарлари ва етакчи мутахассисларини, ишлаб чиқариш илғорларини кенг жалб этмоқдалар.

Бироқ, «Билим» жамияти бошланғич ташкилотлари бўш иш олиб бораётган корхоналар ҳам бор. Улар лекция пропагандасини ташкил эта олмаётирлар. Масалан, экскаватор заводи, 127-автокорхона, кўприк ва темир-бетон конструкциялари заводи, «Тошкентвино» комбинати бошланғич ташкилотлари ана шулар жумласидандир. Ўйлаймизки, бу ташкилотларда бўладиган ҳисобот-сайлов йиғилишларида бюро аъзоларига жиддий талаблар қўйилади.

«Билим» жамиятининг шаҳар ташкилотида илмий-текшириш, лойиҳа институтлари ва олий ўқув юртларининг бошланғич ташкилотлари салмоғи анча катта. Бу коллективлар кўпчилиги илмий даражаси ва унвони бўлган институтларнинг 10 мингга яқин илмий ходим ва ўқитувчиларини бирлаштирган. Улар бизнинг олтин фондимиздир. Афсуски, бу кучдан етарлича фойдаланмаяпмиз. Юқори малакали мутахассислар, институт раҳбарлари, кафедра, бўлим, лабораторияларнинг раҳбарлари ҳали лекция пропагандасида актив иштирок этмаяпти. «Билим» жамиятининг бошланғич ташкилотлари лекторларининг сифат составини яхшилаш, Ленин, Киров, Акмал Икромов районларининг баъзи ташкилотларида эса аттестациядан ўтказиш юзаки ташкил этилгани учун ҳисобот-сайлов йиғилишларида ишнинг формаларини ривожлантириш тўғрисидаги масала муҳокама этилиши лозим.

Шуниси равшанки, агар лекция тингловчига етиб бормаса, унинг қизиқишларига жавоб бермаса, лекция пропагандасининг сифати ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун аудиторияларни паспортлаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Яъни бунда тингловчиларнинг қизиқишлари янада тўлароқ ҳисобга олинади, ҳар бир тингловчилар группаси эҳтиёжлари тўлароқ қондирилади.

Тажриба шуни кўрсатяптики, жамоатчи лекция уюштирувчилар бор жойларда лекция пропагандасининг самараси юқори бўлмоқда. Улар тингловчиларни лекцияга олдиндан тайёрламоқдалар. Лекторга эса коллективнинг ишлари тўғрисида ахборотлар бермоқдалар. Бу— лекцияни коллектив ҳаёти билан боғлаб ўтказишга ёрдам бермоқда. Актуал мавзудаги лекцияларни танлашда шаҳар «Билим» жамияти ташкилоти правлениеси чиқараётган намунавий тематика муҳим роль ўйнаяпти. У билимнинг турли соҳалари бўйича тузилган ва ҳар бир район ташкилотига бериб қўйилган.

Лекторнинг маҳорати ва санъатини доимо ошириб бориш ҳар бир бошланғич ташкилотнинг диққат марказида туриши керак. Бошланғич ташкилотларнинг раислари, бюро аъзолари «Лектор бурчаги»да доимо янги газеталар бўлишига, журналлар, адабиётларнинг етарлича бўлишига эътибор беришлари керак.

Пропагандаиинг техника воситаларидан самарали фойдаланиш масаласи ҳам йиғилишларда кенг муҳокама қилиниши керак. Ҳозир Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига тайёргарлик бошланғич ташкилотларнинг диққат марказида бўлиши керак.

Ҳар бир бошланғич ташкилотда республикамизнинг 60 йил ичида эришган муваффақиятлари кенг пропаганда қилинмоғи зарур. Лекцияларда КПССнинг ленинча миллий сиёсати тантанаси, СССР халқларининг қардошларча бузилмас дўстлиги, КПССнинг ҳозирги босқичдаги фаолияти ёркин ва тўла-тўкис, ишончли ёритиб берилмоғи керак.

Бу йилги ҳисобот-сайлов кампанияси бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлигида юксак талабчанлик, принципиаллик ва ўзўзини танқид руҳида ўтказилади, «Билим» жамияти ишини кучайтиришга, КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми томонидан идеология ходимлари олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришга ёрдам беради.

Р. РАСУЛОВ,
«Билим» жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти правлениеси раисининг ўринбосари.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ХАТЛАР

ПОЧТАЛЬОНЛИК ХАЙРЛИ КАСБ

Почтачи касби хайрли юмушлардан. Уни уддалай олган киши эса ҳамиша эл ардоғида бўлади.

Ҳамза районидаги 120-алоқа бўлимида Ф. Гепман деган почтачи аёл ишлайди. Мана 10 йилдан ошдики, маҳалламиз аҳли бу меҳнатсевар почтачи ҳақида фақат илиқ гаплар айтади. Чунки у қишин-ёзин эл хизматида, хушмуомала ва меҳнаткаш.

Биз шаҳримизда мана шундай ўз ишига меҳр қўйган почтачилар кўпайишини жуда-жуда истардик.

А. ҒАФУРОВ,
Улуғ Ватан уруши ветерани.

ҲАММА ЁҒИ БЕРК КЎЧА

Биз яшаётган «Марказ—27» кварталининг учала томонида, яъни Беруний, Матлубот кўчалари ва «Марказ—26» чегараланган томонларидан транспорт юриши учун йўллар мавжуд. Лекин «Марказ —27» ва «Марказ—28» кварталн орасидаги планда белгиланган кўчанинг тўртталаси ҳам берк. Транспортлар юрадиган 10 ва 11-уйлар орасидаги асфальтланган тайёр йўлни мактаб ва болалар боғчаларини гўшт билан таъминловчи савдо базасидагилар темир панжара билан беркитиб ташлашган.

Машиналарнинг юриши учун 9, 10, 12, 13-уйлар орасидан йўлга қувур ётқизиб асфальт қилинса ва тайёр асфальт қилинган кўчамиз очиб берилса олам гулистон. Бу ҳақда Октябрь район ободонлаштириш бошқармасидагиларга айтавериб чарчадик. Ҳаммаёғи берк кўчани ким очиб, асфальт ётқизиб беради!

Қ. ЎРУНБОЕВ,
врач-рентгенолог.

ШУНЧАЛИК ҚИЙИНМИ?

Генерал Узоқов номли кўчада транспорт жуда серқатнов. Чилонзор ва Октябрь районларини туташтирадиган бу кўча Ойдин Собирова номли маҳалладан бошланади.

Мана бир неча йилдирки, кўча уйдим-чуқур бўлиб ётибди. Бу ерни текислашга бир машина асфальт олиб келинган эди. Маҳалладагиларнинг кўзи олдида сотиб юборилди. Чуқур бўлиб ётган ер ҳамон тузатилганн йўқ. Бир нарсага ҳайронмиз: кўчани капитал ремонт қилиш мумкин бўлмаса, жорий ремонт қилиш мумкин-ку! Наҳотки район раҳбарлари кўчаларда йўловчи ва транспортларнинг қийналмасдан юришини ташкил этишлари шунчалик қийин бўлса!


О. КАРИМОВА,
инженер.

ГУРУЧ ИЧИДАГИ ТОШ

28 август куни ёнимиздаги магазиндан биринчи сортли гуруч харид қилдим. Уйимизга меҳмон келиб қолиб ана шу гуручдан овқат қилиш мақсадида пакетни очиб кўрдим-у, асабим бузилди. Ичида арпа, тариқ, сим, тош ва бошқа мен ўйламаган нарсаларнинг ҳаммаси бор эди. Икки килограмм гуручни тозалашга ярим соат вақтим кетди.

Гуруч заводидаги контролёр акахонлар ана шундай гуручдан ош ейишармикин! Ейишса бир антиқа иш бўларди-да. Чунки бир ошам олмасдан, кўп артишарди.

М. АБДУЛЛАЕВА,
кўп болали она.



Тошкентдаги «Компрессор» заводи ишлаб чиқараётган агрегатлар фақатгина мамлакатимизда эмас, балки бир қатор чет элларда ҳам самарали ишлатилмоқда. Бугунги кунда заводдан ҳаётга йўлланма олаётган «ПР—10М» маркали компрессорлар Лаос, Кампучия, Вьетнам сингари ривожланаётган мамлакатларга юборилляпти.

СУРАТДА: тайёр маҳсулотларни юклаш.
М. Нуриддинов фотоси.

Хат босилмади, аммо чора кўрилди

АВТОБУСЛАР КЎПАЯДИ

2 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

17 ОКТЯБРЬ, 1984 й.

Газетхон Ғ. Тошпўлатова редакцияга йўллаган хатида 87-маршрут автобусларн қатновн ёмонлнгидан шикоят қилган эдн. Хат «Главташпассавтотранс»га юборилдн ва бошқарма бошлнғи Ж. Шораҳмедов имзосн билан жавоб олинди.

Ушбу маршрутда қатновнн яхшилаш мақсадида «Икарус—260» маркадагн автобуслар линиясга чиқарилган ва оқшом пайтларида хизмат кўрсатиш учун автобуслар сони кўпайтирилган. Маршрут ишини назорат қилиб бориш 7-автобус парки ишлаб чиқариш бўлимига топширилган.

Саломатлик
хакида сухбатлар

● ШИФОКОР ОЛИМЛАР ЯРАТГАН ИХТИРОЛАР ● ШАМОЛЛАШГА ДАВО ДОРИ-ДАРМОНЛАР ● УЗИНГИЗ ТАЙЁРЛАЙДИГАН НЕЪМАТ ● ПАРҲЕЗ ҚУВВАТ БАҒИШЛАЙДИ ● УНУТМАНГ, БЕМОР КЎНГЛИ ГУЛДАН НОЗИК

● *Врач обрўси*

ҲАМШИРАНИНГ ОҚ ХАЛАТИ

Иссиқ жон — иситмасиз бўлмайди. Аъзои-танамизнинг бир жойи иллати билан бетоб бўлиб қолсак дарҳол саломатлигимиз посбонлари—шифокорларга мурожаат қиламиз, сиҳатлигимизни тиклаб беришни уларга ишонамиз.

Беморни соғайтириш учун дардини аниқлаш, дори-дармон қилиш, муолажанинг таъсирини кузатиб бориш, унинг руҳий ҳис-туйғусига мос муомала-муносабатда бўлиш, шунга қараб кайфиятини кўтариш осон эмас. Чунки, гул — нозик, гулдан ҳам беморнинг кўнгли нозик бўлади. Заррa ноўрин муомала хастанинг дил кўзгусига арра бўлиб тегади, ширинсуханлик, ширин муомала, ширин ҳатти-ҳаракат эса беморга малҳамдек ёқиб, руҳини тетиклаштиради ва бардамлик бағишлайди.

Шу маънода, шифохоналарда врачлар билан бирга беморларга меҳрибон, ўз ишига сидқидилдан берилган медицина ҳамширалари, санитаркалар, энагалар инсон саломатлигини сақлашда асосий посбон ва ҳалоскор ҳисобланишади.





Дилкаш, дардкаш ва ҳамиша беморларга ҳамдард ҳамшираларни беморлар чуқур иззат-икром қилишади. Тожихон Ҳолитова шаҳримиздаги 1-юқумли касалликлар шифохонасида менингит касалликлари бўлими бош ҳамшираси бўлиб ишлаб, катта ҳурмат қозонган.

Моҳир ва ширинсухан ҳамшира Раҳима Ашурова 30-поликлиникада кўп йиллардан бери хизмат қилиб, ҳам коллективнинг, ҳам меҳнаткашлар эътиборига сазовор бўлган.

И. Шоиноғомов фотолари.

Гап оқ халатли ҳамширалар ҳақида боради. Шаҳримиздаги юзлаб медицина муассасаларида шу касбни севиб фидокорона ишлаётган ҳамширалар беморларнинг таҳсинига, дил олқишига сазовор бўлишяпти. 1-юқумли касалликлар шифохонасида ўн икки йилдан бери ишлаётган Тожихон Ҳомитова шундай дейди:

— Бемор учун бир оғиз ширин сўз ҳар қандай доридан кучли таъсир кўрсатади, яхши сўз хаста кишининг асабларини эркалаб, қон айланишини меъёрга солади. Мен ишга келишим билан оқ халатимни кияману, дарҳол палатага кираман, беморларимнинг ҳолаҳволини сўрайман. Мана шу муомала-муносабатга кўпи билан уч-тўрт минут вақт кетади, разм солиб қарайман: гўё беморларнинг лабида гул очилгандек, чеҳралари ёришгандек, кўзларида нур яраклаётгандек бўлади, уларда кўтаринки ҳолатни кўриб, ўзим ҳам қувониб кетаман, тўғриси кун бўйи яхши кайфият билан ишлаб, чарчаш нималигини билмайман.

Тожихон Ҳомитова шифохонанинг менингит касалликлари бўлимида бош медицина ҳамшираси бўлиб ишлайди. Яқинда бу ерга Раҳно исмли қизчани олиб келишди. У беҳуш эди. Врачлар, ҳамширалар Раҳонинг ҳаёти учун уч кеча-кундуз курашдилар. Ҳамшира Тожихон кечалари мижжа қоқмай, беморга врачлар тайинлаган ҳамма дори-дармонларни вақтида бериб, яхши муолажа қилди. Қизча соғайиб кетди. Раҳонинг отаси Т. Мирхолидова кўзда қувонч ёши билан бундай деб ёзибди:

«Шифокор! Бу сўз менинг қалбимда бир умр севинч бағишлаб қолди. Машаққатли меҳнатингизга офарин! Қизалоғим Раҳонга иккинчи ҳаётни берган сиз азиз шифокорларни бир умр эслаб юраман. Раҳмат, ҳалоскорлар!».

Сидқидил меҳнатга айтилган бу дил розишифокор учун бахт ва шарафдир.

Шаҳримиздаги ана шу юқумли касалликлар шифохонасининг реанимация бўлимидан К. М. Сидорова, М. Ғафурова, Р. Ғафурова, Абу Али ибн Сино номли 1-шаҳар клиник касалхонасидан Д. Шукурова, 17-шаҳар касалхонаси кўз хасталикларн бўлимидан М. Яҳёева, Н. Ҳасанова, И. Бегалиева, М. Қўчқорова, М. Тошмуҳамедова, В. Абдулғаффорова каби ўнлаб медицина ҳамшираларини уларда даволанган беморлар доим ҳурмат билан тилга олишади.

Очиқ гап, шифохоналаримизда ана шундай сидқидил, фидокор, ўз касбини севган ҳамширалар орасида ишига лоқайд қарайдиган, ҳамширалик дек нозик касбни паллапартиш бажарадиган, таъмагирлик қиладиган, беморларга менсимай қарайдиган, ҳатто уларни камситиб, қўполлик қиладиган, тили дилидан аччиқ «оқ халатли» ҳамширалар ҳам учраб туради.

Мана бир воқеа. Эски уйлар бузилган ерда уч-тўрт бола ўйнаб юрарди. Улар орасида Тоҳиржон деган саккиз яшар бола ҳам бор эди. У қандайдир бир симга тегди-ю, бирдан йиқилиб тушди. Зийрак ўртоқлари уни ток урганини сезиб, ёғоч-тахталар билан электр симини тортиб олишди, кейин Тоҳиржонни беҳуш ҳолда кўтариб уйга олиб келишди. Ўғлини бу ҳолда кўрган Зумрадхон опа эсанкираб, нима қилишини билмай қолди. Зумрад опа билан икки-уч қўшни касалхонага етиб келиб, врачларга мурожаат қилди, қарангки, ҳаммалари банд экан, бош ҳамширани топиб, болани кўришни илтимос қилишди. Қовоқ-тумшуғи осилган, қошлари чимирилган бош ҳамшира оқ халатини қорнига ўраб, ҳунук юриш қилиб келдида, беҳуш ётган Тоҳиржоннинг иягидан ушлаб, Зумрад опага ўқрайди:

— Ўғлингиз ўлиб қопти-ку, — деди совуқ бир оҳангда, — яна ҳовлиқиб ҳаммани безовта қилиб юрибсизлар.

Ҳамширанинг муздан совуқ сўзи онаизорнинг кўксидан кириб, қалбини тешиб ўтиб кетди. Шифокорлар Тоҳиржоннинг ҳали тириклигини аниқлашиб, шошилинч муолажага киришиб кетишди.

Бир касалхона палатасида сочлари оппоқ оқарган, ўн бир боланинг Қаҳрамон онаси бетоб ётарди. Унинг кенжа қизи тенги ҳамшира сочларини патила-патила қилиб ёйган ҳолда палатага кириб келди:

— Мана бу дориларни ичаркансиз, — деди тумбочка устига уч хил дорини «тақ» этиб қўйиб.

— Ҳаммасини бирдан ичайми, овқатдан олдинми, ё кейинми?— деб сўради онахон.

— Ичаверингда, ичингизга кирса бўлди-да,— деди ҳамшира масхара оҳангда.

Мана шу сингари табиати кўрс, лоқайд, бефарқ, одамийликни билмайдиган кимсалар ҳамшираликнинг кўнгил каби оқ халатларига доғ туширадилар.

Ҳамшира ҳамма жойда: кўчада, уйда, касалхонада беморнинг энг яқин ҳамдарди бўлиб, унинг саломатлигини муҳофаза этиши, ёрдам бериши лозим. Оқ халатли ҳамширалар доим пок ният, самимият ва диёнат билан беморнинг соғайишига астойдил хизмат қилсалар, оқ халатларига, пок касбларига ҳеч қачон доғ тушмайди.

Тўлқин РАСУЛЕВ,
СССР соғлиқни сақлаш аълочиси.

● СЎРАГАН ЭКАНСИЗ...

КЕКСАЛАР ДОРИ ИЧГАНДА...

Биз, кексалар дори-дармонларни ичганда баъзан хато қилиб қўямиз, кейин жабрини тортамиз. Дори-дармонларни ичганда асосан нималарга эътибор бериш керак?

С. Мирзаев, М. Бурхонов, У. Садиров,
Бешқайрағоч массивида истиқомат қилувчи пенсионерлар.

Дори-дармон, у қанчалик безарар деб топилмасин, нотўғри, пала-партиш қўлланилса, ёки суиистеъмол қилинса аксарият ҳолларда киши аъзоитанасига нохуш асорат беради. Дори-дармонлардан ўзбилармонларча фойдаланиш, айниқса кексалар организмига ёмон таъсир қилади, оғирроқ хасталикларга илаштириб қўйиши ҳам мумкин. Шу туфайли ҳам ёш ўтиши билан киши бирқатор дори-дармонга нисбатан таъсирчан бўлиб қолади: органлар, жумладан жигар, буйрак ва бошқа ички аъзоларда ҳаётий фаолият бузилади, дори-дармонларнинг ҳосилалари организмдан ҳоли бўлишда нуқсонларга учрайди, натижада кекса киши аъзоларида дори маҳсулотлари йиғилиши содир бўлиб, доридан заҳарланишга олиб келиши мумкин.

Илмий кузатишлар шуни кўрсатадики, мурғак, ёш ва кекса организмларга дори-дармонлар ҳар хил таъсир этади. Шу сабабли врачлар ёши табаррук кишиларга анчагина пасайтирилган миқдордаги дори меъёрини белгилайдилар.

Кекса кишиларнинг бошлари, бўғимлари, умуртқаси оғриганидек бўлса, улар ўзларича «безарар» ҳисоблайдиган, кенг тарқалган препаратлардан бўлмиш аспирин, пирамидон, анальгин каби дорилардан фойдаланишни маъқул кўрадилар. Шуни айтиш керакки, сурункали равишда ёшлар ичадиган меъёрда дори қабул қилинишига қарамасдан, кексаларда турли кўринишда бўлган нохуш ҳислар: кўнгил айниши, қайд қилиш, ошқозон-ичак шиллиқ қабатларининг таъсирланиши рўй беради, уларнинг нормал фаолиятини бузмасдан қўймайди.

Дори-дармонлар кексалар организмига янада кучлироқ таъсир кўрсатиши мумкин. Жумладан, кексаларда бош гангиши, эшитиш қобилиятининг сусайиши, фикр жамланмай, чалкашиши каби ҳолатлар содир бўлади. Бундан, кексалар учун мазкур дори-дармонлар номуносиб деган хулоса чиқармаслик керак. Чунки даволовчи препарат шифокор томонидан ёши улуғ беморларнинг ёши, ҳолати, кексалик даражаси ва яна бошқа тарафлари инобатга олинган ҳолда меъёрида тавсия этиладиган бўлса, ундай шароитда нохуш асоратлар пайдо бўлмайди.

Қон босимини пасайтирувчи дори-дармонлар тавсия этилганида шифокор назорати бўлиши лозим. Кекса ёшдаги беморларга қон босимини пасайтирувчи дориларнинг меъёрдан ошиб кетиши баъзан қон босимининг жуда тушиб кетиши, ҳатто коллапс ҳолати (юрак фаолиятининг кескин сусайиб кетиши)ни келтириб чиқариши мумкин.

Маълумки, кексалар организми, айниқса ҳаётбахш моддалар бўлмиш витаминларга талабчан бўлади. Шунинг учун ҳам кекса беморларга дори-дармонларни витаминлар билан муштараклиқда тавсия этиш ижобий натижасини кўрсатмай қўймайди.

Эслатиб ўтиш керакки, витаминларни ўз ўрнида тегишли меъёрда истеъмол қилинмаса, кишининг юрак қон-томир системасига, меъда ости бези, жигар ва буйракка нохуш таъсир кўрсатиши мумкин.


Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир кекса, ҳар бир бемор дори-дармонларни меъёрда билиб ишлатиши, биринчи галда уни шифокор тавсияси билан қабул қилиши шарт. Ўзбилармонлик билан ичилган дори-дармон беморни заҳарлаб қўяди, кўнгилсиз воқеаларга олиб келади.

М. НАБИЕВ,
химия фанлари кандидати, доришунос.

„ТО" спорт ҳафтаси

Тошкент — Олмаота шахмат матчи


ТОШКЕНТ — ОЛМАОТА



Ўтган чоршанба куни «Вечерняя Алма-Ата» ва «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» газетхонлари ўртасидаги сиртқи шахмат матчида рақибларимиз иккинчи партиядаги ўзларининг жавоб юришларини маълум қилдилар. Тошкентликларнинг Cd2—c1 юришига олмаоталиклар шоҳини c8 катагидан b8 га чекиниш билан жавоб бердилар. Шу партиядаги кураш қандай ривожланиб боргалигини эслатиб ўтамиз: 1. d4d5 2. c4dc 3. Kf3 Kf6 4. e3 Cg4 5. C:c4 e6 6. h3 Ch5 7. Kc3 a6 8. g4 Cg6 9. Ke5 Kd7 10. Ke5:g6 h7:d6 11. Фf3 Kc6 12. a3 Kв6 13. Ca2 Фв7 14. Cв2 0—0—0 15. 0—0—0 Ka5 16. Крв1 Kc4 17. Cв2—c1 Крc8—в8.

Ушбу позицияда тошкентликлар навбатдаги 18-юришни қилишлари лозим эди. Одатдагидек, редакция ана шу юришга доир жуда кўп хатлар ва телефон орқали хабарларни олди. Пойтахтимизнинг аксарият шахмат муҳлисларн e3—e4 юришини таклиф этдилар. «Камалак» шахмат клубининг совети ана шу юришни биринчи бўлиб таклиф этган А. Юнусов, Б. Долимов, И. Мирзагалимов, В. Колодин, Ф. Қорабоев, К. Кирясов, И. Зокиров, И. Мусаев ва Б. Офицеровларнинг юришини энг мақбул юриш деб тан олди.

Энди олмаоталиклар жавоб юришларини таклиф қилишлари лозим. Ҳурматли тошкентликлар, сиртқи шахмат матчининг ўтишига доир фикр ва мулоҳазаларингизни ёзиб юборишингизни илтимос қиламиз. Бизнинг адрес: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. «Тошкент оқшоми» («Дўстлик матчи»)га. Телефонларингизни 32-55-32, 33-08-74 орқали хабар қилишингиз ҳам мумкин.



Ушбу позицияда оқ доналар билан ўйнаган олмаоталиклар соатни тўхтатишди.

ОЛМАОТА — ТОШКЕНТ
Вена партияси

1. e4 e5 2. Kc3 Kf6 3. f4 d5 4. fe

4. ed юрилган тақдирда қоралар қирол контргамитига (4...e4) ўтишлари, ёки 4....K:d5 5. Фe2 (5. fe K:c3, сўнгра Фh4 ва ҳоказо) 5...K:f4 ўйнашлари мумкин.

4...K:e4 5. d3

Классик услубдан чекиниш 5. Kf3 Ce7 6. d4, шундан сўнг қоралар: 6...Ce7 7. Cd3 0—0 ва ҳоказо ёки 6...Cв4!? ни танлашлари 6. d3ни эса 6...K:c3 7.вс Ce7 8. d40—0 9. Cd3 f6 10. 0—0 fe 11. Ke5 Фe8, сўнгра Kвd7 билан нейтраллашлари мумкин эди. 5. Фf3 га қарши мумкин 5...Kc6!? ёҳуд 5...f5 6. d3 K:c3 7. вс d4 .

5... K:c3

Оқлар 5... Фh4 ёки 5...Cв4 юришлари билан воқеаларнинг жадал ривожланишига эҳтимол қаршилик қилмадилар.

6. вс d4 7. Kf3 Kc6 8. Ce2 Cc5

8...Ce7 тавсияси ҳам бор, аммо оқлар фойдасини кўзловчи мисоллар ҳам мавжуд. Қоралар методи позиция ва шундай вазиятларда ўйнаш принципларига мос.

9. Cg5

Янгилик. Дебют маълумотлари манбаларида 9. 0—0 0—0 10. Kph1 dc 11. Фe1 Kd4 12. Cdf± (оқларники яхши) Мадаев—Могилевский, Москва, 1963 йил.

«Т. О.» газетхонлари кўзлашаётган эди. 9...h6; 10. Фe1 га dc 11. Kph1 Ce6 12. Фc3 Cd4 13. Kd4 Фd4. Сўнгра фарзинларни алмашиш, 0—0—0; оқларнинг пиёдалари тарқоқлигини ҳисобга олган ҳолда оқларнинг икки филига қарши қораларнинг бир оти ва фили муваффақиятли кураш олиб боради.

9...Фd5 10. c4 Cв4+ 11. Крf2

Оқлар филларни алмаштиришни рокировкадан афзал кўрадилар; 11. Cd2 C:d2 12. Ф:d2 Фc5 дан сўнг оқ пиёда зарба остида қолади, қоралар рокировка ўтказиб, актив режаларни қўлга киритадилар.

11. ...Фc5 12. Cf4 0—0

Яхши юриш, бошқа имкониятлар бўлса ҳам режа чакки эмас.

13. Лfl

Оқлар Крg1ни тайёрлашга ошиқадилар. Аниқлик зарур эди, бунинг учун 13.. f6 14. ef Лf6 мақсадида 13. h4 муносиб эди. Крg2 ни ва от билан филни марказий (e4,d5) катакларга ўтказишни назарда тутиб, 15. g3 юриш мумкин эди. Шубҳасиз қоралар бошқача ҳаракат қилишлари ҳам мумкин. Масалан, 13... a6, ёҳуд бирданига 13...a5, c4 пиёдасини олиб.

13... f6 14. ef Лf6 15. C:c7? Кўпол хато.

15... Фe7. 0:1.

Оқлар бир фигураларидан ажралишади. 16. Cg3 юришига 16...Фe3 билан жавоб берилиши мумкин.

15-юриш олдидан қораларнинг аҳволи бошқа фигуралари ўйинга актив киритиш имконияти бўлганлиги учун яхшироқ эди.

Хулоса: 9. Cg5 юриши оқларга муваффақият олиб келмади. Шундан кейинги барча ҳаракатлар натижасиз бўлди.

Г. БОРИСЕНКО,
СССР спорт мастери.

● Бизнинг шарҳ

Марказда қолган шоҳ панд берди

Илгари хабар қилганимиздек, «Вечерняя Алма-Ата» ва «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» газетхонлари ўртасидаги сиртқи шахмат ўйинининг биринчи тахтасидаги биринчи партияда қора доналар билан ўйнаган тошкентликлар ғалаба қозониб, «Дўстлик матчи»да ҳозирча 1:0 ҳисобида пешқадамлик қилишаяпти.

Биз СССР спорт мастери, ёзишмалар орқали шахмат ўйини бўйича (ИКЧФ) гроссмейстер Георгий Константинович Борисенкодан ана шу партияда кураш қандай борганлиги, унинг хусусиятлари ҳақида ҳикоя қилиб беришни илтимос қилдик.

● ШИФОБАХШ ТАОМЛАР

ДИМЛАМА БЕҲИ

Бир хил катталикдаги заҳа бўлмаган беҳиларни пичоқ билан кавлаб уруғини олиб ташланг-да, «косача» тайёрланг. Унинг ичига сарғиш тўлдирасиз ва ёғланган товага териб духовка ёки тандирда пиширасиз. Сарғиш ўрнига асал солсангиз ҳам бўлади.

Димлама беҳи тайёрлаш учун: олти дона беҳи, ўн чой қошиғида сарғиёғ ёки асал керак бўлади.

Бу таом томоқ хириллаб йўтал бўлганда ёнилса даво бўладм ва қувват бағишлайди.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«БРОНХОСКОП» ФАЗОГА УЧАДИ

«Бронхоскоп» фазога учади» фельетонида кўтарилган масалалар медицина-санитария коллективининг кенгайтирилган ишлаб чиқариш кенгашида муҳокама қилинди. Фактлар тасдиқланди. Чиндан ҳам медицина-санитария қисмининг бўлинмаларида қимматбаҳо медицина жиҳозларидан фойдаланишда камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилган.

Даволаш ишлари бўйича бошлиқ ўринбосари С. М. Алимуҳамедовга маъмурий жазо берилди. Поликлиника бўйича бошлиқ ўринбосари П. Сирожевга, бўлимлар, клиник касалхонанинг ёрдамчи хизматларн кабинетларн мудирларига, дорихона мудири А. Орифжоновга, бош бухгалтер К. Ходаковага икки ҳафта муддат ичида фельетонда ва халқ контроли комитети қарорида кўрсатилган камчиликларнн тугатиш, бундан кейин ана шундай ҳол такрорланмаслиги учун тадбирлар белгилаш таклиф этилди.

Медицина-санитар ҳ я қисми ҳузурида медицина аппаратларидан тўғри фойдаланиш, уни ўз вақтида ўрнатиш, унга эҳтиётқорона муносабатда бўлиш устидан назорат олиб борадиган ва раҳбарлик қиладиган доимий комиссия тузилди.

Комиссияга 1985 йилга мўлжалланган тадбирлар планини тузиш, медицина-санитария қисми бўлимлари ва хизматлари бўйича рейд текширувлари ўтказиш ҳамда текширнш натижаларини ҳар кварталда комиссия йиғилишларида манфаатдор мансабдор шахслар иштирокида муҳокама қилиш топширилди.

Даволаш ишлари бўйича бошлиқ ўринбосари С. Алимуҳамедовга бўлимлар ва хизматлардаги медицина аппаратларининг аҳволи ва ундан фойдаланиш устидан доимий назоратни ҳамда раҳбарликни кучайтириш топширилди. Шунингдек доимий комиссия билан биргаликда шу йилнинг 20 октябригача клиник касалхона ва поликлиника бўлимининг барча бўлимчаларида мавжуд камчиликларнн тугатиш ишн қандай бораётганлигини текшириш вазифаси юкланди.

Бош бухгалтер К. Ходаковага, катта экономист А. Гурарийга яроқсиз ҳолга келган медицина техникасини ҳисобдан чиқариш ҳужжатларини расмийлаштирнш устидан етарли назорат ўрнатмаганликлари, медицина жиҳозлари бўйича бухгалтерлик ҳисоби қонқарсиз олиб борилганлигн кўрсатиб ўтилди.

Дорихона мудири Т. Орифжонова эса айрим жиҳозларни бўлимлар ва хизматчиларга ўз вақтида ўтказмаганлиги, дорихонадаги медицина техникасини сақлашга масъулиятсиз муносабатда бўлганлигн учун вигговор эълон қилинди. Бир ҳафта ичида аппаратларнинг бир қисмини бўлимларга тарқатиш топширилди. Хўжалик ишларн бўйича бошлиқ ўринбосари Х. Аҳроровга қурилаётган янги корпус учун мўлжалланган медицина аппаратларини бннога кўчириш вазифаси юкланди.

Медицина-санитар ҳ я қисмининг медицина аппаратларини ремонт қиладиган «Узмедтехника» вакили Е. Юринцинга аппаратларни ўз вақтида ремонт қилиш ва мунтазам ишлашини таъминлаш, улардан тўғри фойдаланиш ва эҳтиётқорлик билан муносабатда бўлиш топширилди».

М. УСМОНОВ,
«Главташкентстрой» медицина-санитария қисми бошлиғи.

● Медицина янгиликлари

ҚОН АЙЛАНИШИНИ ЯХШИЛАЙДИ

Кучли таъсир этувчи препарат тепротид СССР Медицина фанлари академиясининг биология ва медицина химияси институти мутахассисларн томонидан реанимация амалиётида қўлланилди. У қон айланишининг издан чиқиши натижасида бош мия жароҳатининг авж олиши юзага келишини огоҳлантиради. Препаратнинг таъсири қон босимини тартибга солувчи фермент активлигини енгишга асосланган. Бунда томирлар қаттиқ кенгаяди ва бу билан қон айланиши яхшиланади.

ДАВОБАХШ АСАЛАРИ ЕЛИМИ

Таллин химия-фармацевтика заводида прополис (асалари елими) устида олиб борилган тадқиқотлар натижасида маълум бўлишича, у уйғунлашган таркибга эга бўлиб, шамоллаш процессларини бартараф этади. Юқумли микроб, замбуруғли касалликлар юзага келишига қарши самара беради. Таллинлик олимлар яратган ва ишлаб чиқаришга жорий этган процеум-малҳами куйиш, қийин битувчи жароҳатлар, экзема кабиларни даволашда қўлланилади.



СУРАТДА: Свердловскдаги В. И. Ленин номли ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор йигувчиси Ольга Комарова. У меҳнатдаги ютуқлари учун Меҳнат Шуҳрати ордени билан тақдирланган.

ТАСС фотохроникаси.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ СВЕТОФОРИ

ДАВЛАТ АВТОМОБИЛЬ ИНСПЕКЦИЯСИ ХАБАР БЕРАДИ

Узоғимизни яқин қилаётган транспорт рулини бошқаришга киришган ҳар бир ҳайдовчи зиммасига катта масъулият юкланади. Шундай экан серқатнов трассаларга машинани бошқариб чиқаётган барча ҳайдовчилар йўл ҳаракати Қоидаларининг ҳар бир бандини ҳурмат қилишга одатланишлари керак. Лекин кўчаларда кўнгилсиз ҳодисаларнинг учраб турганлиги масъулиятни унутиб қўяётган кимсалар йўқ эмаслигидан далолат беради. Кўпгина ҳодисалар эса рулни маст ҳолда бошқарнш туфайли содир бўлмоқда.

Автомашинани спиртли ичимлик ичиб бошқариш қоидаларини ўта қўпол равишда бузиш ҳисобланади. Озгина ичимлик ҳам ҳайдовчининг вазиятга баҳо бериш қобилиятини сусайтиради. Катта тезликда ҳаракатланаётган автомобилни бошқариб бораётиб фавқулоддаги вазиятни баҳолашда бир лаҳза кечикиш эса нима билан тугаши аниқ.

Ўтган ҳафтада шаҳримизда 90 та йўл-транспорт ҳодисаси юз берди. Бундан саккиз процентн маст ҳайдовчилар томонидан содир қилинган.

В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси слесари Евгений Борисович Феднековнинг бошқалардан хиёл ажратиб турадиган хислати бор экан. У гоҳо ичиб олиб машина бошқаришни тусаб қолар экан. Лекин кўза кунда эмас, куни келганда синади деганларидек, навбатдаги хуморини қондиришнинг оқибати хайрли якунланмади. Йўлни фақат ўзи бошқараётган «М—412» маркали автомашинаси учун қурилган деб ўйлаб, босар-тусарини билмай ҳайдаган Е. Феднеков светофорнинг қизил чироғи амрига бўйсиниб, тўхтаб турган такси автомашинасига бориб урилди. Авария натижасида таксидаги икки йўловчи жароҳатланди. Автомашиналар шикастланди.

Тошкент метрополитени ишчиси О. Маматалиев ҳақида сўз борганда уни ароққа мукасидан кетган киши дея олмаймиз. Лекин яқинда дурустгина отиб олиб, «ВАЗ—2103», «03—50 ТНХ» автомашинасини кеч соат саккизларда Ҳамза кўчаси бўйлаб ҳайдади. Ширин ўтиришлар, хушчақчақ улфатлар давраси ҳаёлини ўғирлаб, йўлда ва рулда эканлигини бутунлай унутиб қўйди. Оқибатда у бошқариб бораётган «Жигули» йўловчи М. Зуфаровни уриб юборди. Жабрланувчи оғир жароҳат билан касалхонага ётқизилди.



ЁШЛАР МАҲОРАТ КЎРСАТИШДИ

Тошкентдаги «Динамо» стадионининг теннис кортларида СССР шахсий чемпионати мусобақалари ниҳоясига етди. Шуни айтиш керакки, чемпионат ёш теннисчиларимизнинг маҳорати ошиб бораётганлигини кўрсатди.

Москвалик 17 ёшли Виктория Мильвидскаянинг муваффақиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу йил ўрта мактабни аъло баҳолар билан битирган Виктория спорт мавсумини ҳам «беш» баҳога якунлади. Яқинда у Тошкентда ўтган ўқувчиларнинг Бутуниттифоқ XVII спартакиадасида чемпионлик унвонини қўлга киритган эди. Куни кеча у катталар ўртасида ҳам юксак маҳорат намойиш этиб, аёллар ўртасида СССРнинг энг кучли теннисчиси унвонига сазовор бўлди.

Чемпионатнинг кумуш совриндори москвалик Оксана Лифанова Викториядан атиги икки ёш катта. У якка разрядда биринчи марта мамлакат биринчилигининг совриндори бўлди.

Ёш ҳамшаҳарларимизнинг чемпионатдаги иштирокини ҳам муваффақиятли деса бўлади. Жумладан, Лена Киберова 24-ўринни эгаллаб, мамлакатнинг энг кучли теннисчилари сафидан ўрин олди. Унинг республикамиз терма командасидаги катта дугонаси Наталья Степанова 19-ўринни эгаллади.

Тошкентлик «Буревестник» жамиятининг аъзоси тажрибали Виктор Колесниченко эркаклар ўртасида 19-ўринни эгаллади. Республикамизнинг бошқа теннисчилари бироз муваффақиятсиз қатнашишди. Ўйлаймизки, СССР чемпионати уларга катта маҳорат мактаби вазифасини ўтайди.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГАЗЕТХОНЛАРИГА

«Тошкент оқшоми» газетасига 1985 йил учун обуна давом этмоқда. 1985 йил учун обунани шу йилнинг 1 ноябрига қадар расмийлаштириш лозим. Обунанинг баҳоси бир ойга — 7 сўм 80 тийин, олти ойга — 3 сўм 90 тийин. Обуна «Союзпечать» корхоналари, алоқа бўлимлари, иш ва ўқиш жойларида жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинмоқда.

Обуна билан боғлиқ таклиф ва мулоҳазалар ҳамда шикоят юзасидан ушбу адресга мурожаат қилишингиз мумкин: 700047, Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32. «Тошкент оқшоми» редакцияси. Телефонлар: 33-57-02, 33-29-70, 33-29-09. 33-29-33.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

17 ОКТЯБРЬ. 1984 й.

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

19 ОКТЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА

СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН
ОЛИЙ ЛИГАНИНГ
«ПАХТАКОР» (Тошкент)— «ШАХТЁР» (Донецк)
командалари ўртасида

Ф У Т Б О Л

ИШҚИБОЗЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИ КАССАЛАРИДА ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ ВА КОЛЛЕКТИВ ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

182-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун

қуйидаги дутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Билим юрти шаҳар қурилишларида ишлаш учун қуйидаги касблар бўйича юқори малакали ишчилар тайёрлайди. ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ, СУВОҚЧИ-БЎЁҚЧИ, БЎЁҚЧИ, ДУРАДГОР, АВТОСЛЕСАРЬ.

Ўқиш муддати — 1—2—3 йил.

Узоқдан келганларга ётоқхона берилади.

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ВА УНДАН ЮҚОРИ ЁШДАГИ 8-10 СИНФНИ БИТИРГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини битирганларга диплом берилади ва улар қурилиш бошқармасига ишга юборилади. Билим юртини аъло ва яхши баҳолар билан битирганларга олий ўқув юртларига йўлланма берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар 3 маҳал иссиқ овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 50 процента билан таъминланадилар.

10 синфни битирганлар 30 сўм стипендия оладилар. Совет Армиясини битириб келганлар 60 сўм стипендия оладилар.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига киради.

Билим юртини битирганларга «Ташпромстрой» бошқармасига йўлланма берилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: билим юрти директори номига ариза, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см.) соғлиғи тўғрисидаги справка (286-форма).

Аризалар ҳар куни соат 9 дан соат 17.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Багратион кўчаси, 4-уй. Телефон 64-18-41. (17-автобуснинг «12-турар жой шаҳарчаси; 13-трамвайнинг 2-«Шимолий-Шарқ» бекатлари).

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ГОСКОМТРУД

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ҲАМЗА РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА
токарлар, фрезерчилар, эритувчилар, қолипчилар, деҳқонлар, юкчилар, автопогрузчик ҳайдовчилар.

ҲАМЗА РАЙОНИДАГИ МОНТАЖ ВА МАХСУС ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ МИНИСТРЛИГИ КОРХОНАСИГА
слесарь-асбобсозлар, слесарь-йиғувчилар, ҳисоб бўлими бухгалтери, токарлар.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИГА
пул майдаловчи автоматларнинг операторлари, ишлаб чиқариш биноларининг фаррошлари. Иш сменали. Тунги вақтда ишлаганлиги учун тариф ставкасининг 35 процента ҳажмида қўшимча ҳақ тўланади. Пенсионерларнинг пенсияси сақлаб қолинади.

«МИНМОНТАЖСПЕЦСТРОЙ»НИНГ
«ТАШСАНТЕХГАЗМОНТАЖ» ТРЕСТИГА
слесарь-сантехниклар, газ пайвандчилар.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИДАГИ МАҲАЛЛИЙ САНОАТ КОРХОНАСИГА

каштачилар: тамбурли машинада гул солувчилар, дўппиларга қўлда гул тикувчилар. Иш уй шароитида меҳнат қилиш билан боғлиқ; бухгалтерлар, экономистлар.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:
Марказий пункт —Пролетар кўчаси, 3-подъезд, 5-хона.
Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти —2-квартал, 3-уй.
Фрунзе район пункти —Ш. Руставели кўчаси, 64-уй.
Ҳамза район пункти — М. Ҳасанов кўчаси, 10-уй.
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 48-уй.
Собир Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
Сергели район пункти — 2-квартал, 69-уй.
Акмал Икромов район пункти —Чилонзор массиви, 22 квартал, 18-уй.

ШАРБАТЛАР—ФОЙДАЛИ, ХУШТАЪМ, ТЎЙИМЛИ!

Бор-йўғи бир стакан томат шарбати организмнинг С витаминига бўлган бир кеча-кундузлик эҳтиёжини қондиради. Шарбат организмнинг чидамлилигини оширади, касалликларга қаршилигини кучайтиради.

Олма шарбатини мунтазам истеъмол қилувчиларга авитаминоз қўрқинчли эмас. Унда организмга керакли аминокислоталар, микроэлементлар (рух, мис, йод, марганец), минерал моддалар (кальций, калий тузлари) каротин, А, B_1, B_2, С, Е, Р витаминлари, фолий кислотаси, фруктоза, глюкоза мавжуд.

Узум шарбатини унинг даволовчи хусусиятларига қараб ёшлик ва саломатлик элексири деб атайдилар. У кўп миқдорда глюкоза ва турли хил витаминларга бой.

Ўрик шарбати шакар қиёми қўшиб тайёрланади. У кўп миқдорда каротинга («А» провитамини) эга.

Мандарин шарбати тароватли ва хуштаъмдир. У органик кислоталар, «С», «Р» витаминларини ўз ичига олади, иштаҳани қўзғатади.

ШАРБАТЛАРДАН ЯНА ҚАНЧА КОКТЕЙЛЬ ТАЙЁРЛАШ МУМКИН!

БИР НЕЧА РЕЦЕПТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ


ОЛМА КОКТЕЙЛИ

Олма шарбати, музқаймоқ, совутилган сутни миксерда ёки қўлда бир турдаги кўпикли модда ҳосил бўлгунга қадар аралаштиринг. Сўнг бокалларга қуйинг. Сливкани алоҳида аралаштириб, бокалларга солинг.

500 грамм қайнатиб совутилган сут, 200 грамм олма шарбати, 100 грамм музқаймоқ, 100 грамм сливка, 50 грамм шакар лозим бўлади.

ТОМАТЛИ ФИЗ

Стаканнинг тўртдан уч қисмига томат шарбати, тухум сариғи, туз-мурчни таъбга кўра, бир чой қошиқ лимон шарбатини миксерда аралаштириб, стаканга солинг, устидан бир чой қошиқ сметана қуйинг.



Ўрик, узум, томат, мандарин ва олма шарбатларини шаҳар гастрономларида катта ва кичик ҳажмдаги идишларда, шунингдек қуйиб бериш йўли билан сотиб олиш мумкин.

«ГАСТРОНОМ» УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ИДОРАСИ (телефон 33-03-70).



ГЎДАК ДЎМБОҚ БЎЛИШИ УЧУН...

«ДЕТОЛАКТ» КЎКРАК СУТИ ЕТИШМАСЛИГИДА ВА БОЛАЛАРНИ СУНЪИЙ ОВҚАТЛАНТИРИШДА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ. УНИНГ ТАРКИБИГА ВИТАМИНЛАРНИНГ БУТУН КОМПЛЕКСИ, ЕҒЛАР, ОҚСИЛЛАР, УГЛЕВОДЛАР, МИКРОЭЛЕМЕНТЛАР КИРАДИ.

Гўдак учун нонушта (тушлик, кечки овқат) тайёрлаш бир неча минутни олади, холос: сут аралашмасидан иборат қуруқ порошокни қайнаган сув билан аралаштириб, тўла эригунча айлантириб туриш кифоя.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ

Д И Қ Қ А Т И Г А !

«УЗМЯСОМОЛТОРГ» ТОШКЕНТ ШАҲАР ИДОРАСИ «ДЕТОЛАКТ» СУТ АРАЛАШМАСИНИ ТАВСИЯ ҚИЛАДИ.

«УЗМЯСОМОЛТОРГ» ТОШКЕНТ ШАҲАР ИДОРАСИ.

«ТОҲИР ВА ЗУҲРА» МАГАЗИНИ

18 — 21 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ

ТУРЛИ ФАСОН ВА РАЗМЕРДАГИ ЭРКАКЛАР КОСТЮМЛАРИ ВА ПИДЖАКЛАРИНИНГ

САВДО-КЎРГАЗМАСИНИ ЎТКАЗАДИ



Савдо-кўргазмасида Тошкентдаги Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулотлари сотувга қўйилади.

Магазин адреси: Тошкент шаҳри, Октябрь бозори.

Магазин соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди, душанба дам олиш куни.

Телефон 44-28-38.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ».

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

ТВ

ЧОРШАНБА

17 ОКТЯБРЬ

● МТ I

17.50 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
18.20 Мактаб ўқувчиларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони, авиация Маршали С. И. Руденко билан учрашуви.
19.05 Мультфильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Дунё ва ёшлар».
20.05 «Қадрдон менинг дарёним». Телефильм.
20.25 «Қора учбурчак». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Биргалашиб куйлайлик, дўстлар».
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Онамларнинг мактаби».
19.20 Д. Крамер чалади (фортепьяно).
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Ҳаётга йўлланма».
21.30 «Время».
22.05 «Жавобсиз қолган севги». Бадиий фильм.

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.35 Ўсмирлар учун. «Тенгдош» (рус.).
19.10 «Республика шолипояларида».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Халқ контроли экрани» (рус.).
20.20 «Волга бўйлаб саёҳат». Телефильм.
20.30 «Ахборот».
20.55 Ўзбекистон ССР Давлат телерадиоси дуторчи қизлар ансамблининг концерти.
21.30 «Время».
22.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик — «оқ олтин» даврим». Ёшлар учун музикали программа.
23.45 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.
18.05 Кўрсатувлар программаси.

● УзТВ II

18.10 «Ижодиёт эстафетаси». Ҳужжатли фильм.
19.00 «Куз оҳанглари». Музикали фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Ўқув программаси.
21.00 ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига «Тошкентнинг 435 минг тонна «оқ олтин»и учун».
21.30 МТ II

ПАЙШАНБА

18 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион кўрсатув.
9.50 «Буратино кўргазмаси».
10.20 «Қора учбурчак». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
11.25 «Ҳайвонот оламида».
12.25 «Касби — бригадир. Бригадирлик қувончлари». Телефильм.
12.50 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Фан ва меҳнат иттифоқи». Ҳужжатли фильмлар. «Ғалла ҳақида фан», «Контакт».
16.00 Ю. Тинянов. «Мулоҳазалар... учрашувлар».
17.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар»...
18.00 «Шахмат мактаби». Маҳорат сабоқлари.
18.30 «Миллионлар ленинча университети». «Социалистик турмуш тарзининг маънавий асослари».
19.00 «Расмларда қуёш акси бор».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Кампучия: ўлимдан кейинги ҳаёт». Телефильм.
20.20 «Қора учбурчак». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
21.30 «Время».
22.05 МТнинг «Олтин» фондидан. СССР халқ артисти С. Гиацинтова.
23.05 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион кўрсатув.
23.20 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 — 9.30 «Бошқарма бошлиғи». Телефильм.
12.05 — 12.40 «Оила ва мактаб». тележурнал.
15.05 «Шамолни изла». Бадиий фильм, субтитр билан.
16.25 А. Конан-Дойль. Ҳаётги ва ижоди саҳифалари.
17.05 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
19.15 Халқ куйлари.
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Салом, «Дружба». Афғон болаларининг Туркманистондаги «Дружба» пионер лагерида дам олиши ҳақида ҳужжатли фильм.
21.00 Автомобиль спорти бўйича СССР чемпионати. Таллиндан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Имтиҳон олдидан». Телевизион бадиий фильм.
23.10 «Тобольск кремлининг хазинаси». Тарих архитектура музей-қўриқхонаси ҳақида телефильм.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Темур ва унинг командаси». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.).
11.30 Ўқув программаси.
11.50 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «41-йил — биз чақирилган йил». Телефильм.
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильмлар.
18.40 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш (такрорий).
19.00 «Турмуш ва маданият».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Пластика симфонияси». Ҳайкалтарошларининг Бутуниттифоқ симпозиуми (рус).
20.30 «Ахборот».
20.55 Ҳинд кинофильмларидан қўшиқлар.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». (такрорий).
23.20 Янгиликлар.


● УзТВ II

9.00 — 17.10 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Ҳаёт оламий». Телефильм.
18.35 Реклама.
18.45 «Ўрмон қиссаси». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Музиканинг яратилиши». Телефильм.
21.00 «Физкультура ҳамма учун». Ритмик гимнастика (рус.).
21.30 МТ II

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА
МЕТРО СТАНЦИЯ ҚУРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН
темир йўл вокзали орқали қатнайдиган трамвай маршрутлари ҳаракати 17-26 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ ТУХТАТИЛАДИ
ШУ КУНЛАРИ ТРАМВАЙЛАР ҲАРАКАТИ ҚУЙИДАГИЧА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ:
1-маршрут — Кафанов, Полторацкий, Пролетар кўчалари ва сўнгра икки йўналишда ўз маршрутлари бўйича;
9, 24, 26-маршрутлар — Кафанов, Пролетар кўчалари Ш. Р. Рашидов проспекти орқали «ЦУМ» трамвайларнинг халқа йўлигача икки йўналишда ҳамма бекатларда тўхтаб ўтади ва сўнгра ўз маршрутлари бўйича;
8-маршрут — Бешқайрағоч-Марказий бозор оралиғида қатнайди.
ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕБУС ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ.

«Главташпассавтотранс» 2-автобус паркининг нефть маҳсулотларининг келиб тушиши тўғрисидаги ҳужжатни қайд қилувчи йўқолган ШТАМПИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!
ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ - МАТЛУБОТ ЖАМИЯТЛАРИ СОЮЗИНИНГ ТАЙЁРЛОВ БОШҚАРМАСИ
МЕВА ДАНАГИ
чекланмаган миқдорда сотиб олинишини МАЪЛУМ ҚИЛАДИ
Қабул пункти — Олой бозоридаги «Ташгоркоопторг»да жойлашган.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
— орган Ташкентского горкома Узбекистана и Ташгорсовета
(Газета бир йилда 300 марта чиқади)
БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 3.
Телефонлар: секретариат— 33-57-02; партия турмуши— 32-53-66; саноат —33-08-75; —32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; қишлоқ ва ҳуқуқ— 32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юрт — 32-53-10; адабиёт ва санъат—33-16-07; —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик— 33-01-62; 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-01-62; диспетчерн — 32-78-94.
Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Матбуот Байроқ орденли боемахонаси. Тошкент шаҳри. Икбол
Р—12515. Б-2015. 1 2 3 4 5 6 7